19

| | | |
|---|---|---|
| **O'zbekiston Respublikasi**<br>**Samarqand viloyati**<br>**Qo'shrabot tumani**<br>**H O K I M I**<br>**Q A R O R I** | | **П О С Т А Н О В Л Е Н И Е**<br>**Х О К И М А**<br>**Кошрабадского района**<br>**Самаркандской области**<br>**Республики Узбекистан** |

**«3» март 2014 йил № 59-қ Қўшработ тумани**

**"Qishloq Qurilish Invest" инжиниринг Компанияси Самарқанд филиалига 2015 йилда "Осиё тараққиёт" банки кредити маблағи ҳисобидан наъмунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПК-1167-сонли ва 2010 йил 17 июндаги ПҚ-1354-сонли қарори асосида қабул қилинган Самарқанд вилояти ҳокимининг 2010 йил 22 июндаги 89-Қ-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда туман ҳокимлиги хузуридаги "Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси"нинг ушбу масала юзасидан тақдим этган тўпламини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.Туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2014 йил 28 феврал "Qishloq Qurilish Invest" инжиниринг Компанияси Самарқанд филиалига 2015 йилда "Осиё тараққиёт" банки кредити ҳисобидан "Наъмунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида"ги баённомаси тасдиқлансин (баённома илова қилинади).

2.Октепа қишлоқ фуқаролар йиғини Қўрғон маҳалласи ҳудудидан Ердан фойдаланиш харитасининг 190-контуридан туман ҳокимлиги захира ер фонди ҳисобидаги тупроқ бал бонитети 28 бал бўлган, каровсиз узумзор ер майдонидан 2015 йилда бош режа ва наъмунавий лойиҳа асосида 5 та уй-жой қурилиши учун 0.50 (нол бутун эллик) гектар ер майдони танлансин.

3.Туман "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бўлими бошлиги Ф.Қўчқоровга туман ер ҳисоботига тегишли тартибда ўзгариш киритиш вазифасини топширилсин.

4.Туман бош архитектори М.Раимовга наъмунавий лойиҳалар асосида якка тартибда қурилиши режалаштирилаётган уй-жойларни Бош режа асосида қурилишни амалга ошириш бўйича қатъий назорат ўрнатиш вазифаси топширилсин.

5.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **О.Алиходжаев**